

Мақсадишга эришимиз, янги жамият қуришимиз, сий-сатда ҳам, иқтисодда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислохотларнинг тақдирини ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ.

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Мировот туман қўмитасининг 1-котиби Фурқат ака Маҳмудхўжаев билан танишганимизга эътиборини бир йил бўлади. У ўзининг хўшмуомалалиги, билим-донлиги, ташкилотчилик ва тиниб-тинчимас интилувчанлиги билан эътиборини тортган. Шу боис кўпдан берди Фурқат ака билан бир юракдан суҳбатлашганимиз ният қилиб юрган. Хўшас, ниятимиз ҳолис экан, бир қанча келишув кўнрақларидан кейин суҳбат кунини белгилдик.

— Фурқат ака, кун

сайин ривожланиб бораётган мустақил Ўзбекистонимиз ёшларининг бугунги фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Тарихсиз келажак бўлмайди, деган бир гап бор. Шу урида мен ҳам бундан 5-6 йил олдинги ёшлар билан ҳозирги ёшлар ўртасида фарқни таққослаш орқали фикр билдирмоқчиман. Жамиятимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб туриб айтишим мумкинки, кечяги ёшлар бугунги ёшлардан фарқ қилади. Уларда интилувчи, изланиш каби ҳислатлари кучли ва энг асосийси келажакка бўлган қатъий ишонч бор эди. Ҳозиргилар эса қанақадир ло-

қайд, иродаласроқдай қуринади. Қўпчилик бугун ўтса бўлди, эртага бир гап бўлар қабилида иш тутишяпти. Айниқса, уларнинг бозорларда олди-сотиби билан уралошиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

— Сизнингча, ҳозирги ёшлар қандай бўлиши керак?

— Ёшлик — фусункор фасл. Лекин бу даврни ҳар ким ҳар хил тушунади. Ҳозирги ёшларга тўхталадиган бўлсак, уларга давлатимиз томонидан барча имтиёзлар яратилган. Мана таълим соҳасини мисол қилиб оладиган

бўлсак, ўқий, кутубхона китобларидан фойдаланиш — ҳамма-ҳаммаси bepul. Ҳатто биз уларга ўқитганимиз учун ҳар ойда стипендиялар бериб борамиз. Урни келиб қолганда талаба ёшларимизга берилаётган бу стипендиялар, тўғи меҳрибон бобон томонидан еш нихолда қўрсатилаётган парварил, меҳнат ва озуқа эканлигини эслаб ўтмоқчиман.

Мен бир нарсга ҳуқор аминманки, ҳар бир давлатнинг келажаги унинг ёшлари. Улар қанчалик илмли, соғлом, ҳар то-

монлама баркамол бўлса, давлат ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Демак, шундай экан, ҳозирги ёшларимиз эса аини дамда ушбу фазилатларга тула эга бўлсаларгина ривожланган мамлакатлар сафидан урин олаётган Ўзбекистоннинг янада юксалишида ушбу улуғларини қўшадилар деган умидман.

— Мен сурамаган яна нима-лар тўғрисида гапирмоқчисиз?

— Республикаимиз ёшларининг аксарият қисмини ўз ичига олган ягона ташкилот Ёшлар Иттифоқидир. Авваллари завод-

фабрикаларда меҳнат сулолалари деган аjoyиб бир анъаналаримиз бўларди. Бугунга келиб бу анъанамиз йўқолиб кетмоқда. Ҳозирги кунда шундайин қўлгул хунарманд усталиримиз борки, хунарларини кимга ўргатишни билмайди. Демокриманки, агарда ана шунга ухлаш анъаналаримизни қайта тикласак, ёшларимизни касб-хунарга бўлган қизиқишини ортирган бўларди.

Фурқат Маҳмудхўжаев билан суҳбатни яна давом эттиришимиз мумкин эди. Агарда стол устида турган телефон кўнрақига жўришга уни Тошкент индустриал педагогика техникумида бўладиган йилигида кўпашаётгани ҳақида оголантирмаганда...

Эркин МАВЛОНОВ,
«Туркистон» махсус муҳбири.

Қандай яшайпсан, талаба?



МИЛЛИЙ БОҒДАГИ ТАНТАНА

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси ташаббуси билан пойтахтда таҳсил олаётган 700 нафарга яқин талаба миллий боғга таклиф этилди. Мақсад уларни талабалик билан қўллаш эди. Аввало талабалар буюк шоир, мутафаккир Алишер Навоий пойига гуллар қўйдилар. Сунгра боғда талабаларнинг мадҳ этувчи тантана бўлиб ўтди. Олий ўқув юртиларига қабул имтиҳонларида юқори балл тушлаганлардан бир гуруҳи республика талабалар жамғармасининг махсус совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон миллий боғи уша куни талабалар ихтиёрига берилди. Улар кун бўйи аргимчоқларда текин учдилар, музқаймоқ билан сийландилар. Бу кун пойтахт талабалари едида бир умрга едда қолишига шубҳа йўқ.

Тантаналарда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби Боймурод Юсупов иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: миллий боғда ўтган тадбирдан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН.



ШУ СОНГА ХАБАР

«БЕШЕҒОЧ» ЁКИ МАРСГА САЁҲАТ

Пойтахтимизнинг «Ўзбекистон миллий боғи» рупарасида жойлашган «Бешеғоч» фирмаси кейинги пайтда шўҳрат қозонмоқда. Дастлаб фирмага қарашли дукон пештахталарида маҳсулотлар тури қўлайди ва арзонлашди. Бундан ташқари сотувчиларнинг малакаси ҳам оширилди. Натияжада фирма олаётган соф фойдани Англия, Греция, Польша, Эрон, Россия, Қозғистон каби мамлакатларнинг фирмалари билан ҳамкорлик қила бошлади.

Шунингдек, фирма ўзининг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тармоғини ишга туширди. Чилонзор метро бекатида ҳамда Сирғали туманида ердамчи дуконлар очилди.

Яқинда «Анкл Бенц» маҳсулотлари билан савдо қилувчи «Марс» фирмаси «Бешеғоч»ни расмий воеитачи (дистрибутор) қилиб қабул қилди. Бу Марказий Осиёдаги ягона имкониятдир.

СОЛИҚЧИЛАР МАЛАКА ОШИРАЯПТИ

Нарпай туман давлат солиқ инспекцияси тизимида барча жихатлар компьютерлаштирилди. Натияжада мавжуд корхона ва ташкилотлар, кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликларининг фаолияти дастурга киритилди. Замонавий техникани улаштириш бора-сида эса 29 нафар хўлим ҳар ҳафтанинг шанба кунини ўқув машғулотларига жалб этилмоқда.

Солиқ тизимидаги янги иқтисодий қонунларни ўз вақтида улаштириш ҳамда аҳолини бу борада таништириш мақсадида қатор услубий ўқув кўнрақлари ташкил қилинган.

Шу пайтгача туманда 27 та давлат корхонаси мавжуд эди. Ҳозир шундан иккитаси хусусийлашган. Деҳқон-фермер хўжаликларининг сони 194 тага, деҳқончилик билан шўғулланидиган хўжаликлар эса 274 тага эди. 87 та кичик корхона, 15 та ҳиссдорлик жамоаси ва бошқа бир қанча фирма ва ширкатлар солиқ тизимидаги компьютерларга дастурланган.

«ОЛИМБАНК» ОДИМЛАРИ

1994 йилда ташкил топган ушбу банк шу йил 1 июлда фаолият бошлади. Қисқа вақт ичида 150 нафардан зиёд мижозга хизмат қўрсатаётган «Олибанк»да қўзғозбоқликка деярлик чек қўйилган. Мижозлар ҳар хил югур-югурларсиз кредит олишлари ёки ҳисоб-китоб рақамлари пулларини иллатишлари мумкин. Шунингдек, мижозлар шуни қўйишган ҳисоб рақамларидан уларнинг мижозатисиз маблаг олишмайди.

Т. ЁРКУЛОВ,
«Туркистон» муҳбири.

ЁШЛАРНИНГ НИЯТИ ХОЛИС БЎЛАДИ

Ёшлар Иттифоқида нима гап?



ТИКУВЧИ, ҲИСОБЧИ, ТАЪМИРЛОВЧИ...

Энди остопа ҳатлаб ўтганим, рўпарамдан бир аёл киши чиқиб қолди. Тортинмасдан, кимлигини сўрадим. Шу ерда катта уста бўлиб ишларкан. Мақсадга кўчдим. Сунгра ўзимни танидим.

Шу тарзда, ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли республика хўнар-техника билим юрти фаолияти билан танишувимиз бошланди.

Билим юртимиз 460 нафар ўқувчида мўлжалланган. — деб сўз бошлади хўнархўм катта уста Ҳосият Этамбердиева. — Бу ерда ўқувчилар 7 хил мутахассислик бўйича тахсил оладилар: тикувчилик, ҳисобчи, радио-телевизор устаси, соатсоз, оёқ кийими, тикув машиналари, маиший ва уй-руғзор буюмларини таъмирловчи.

Опаннинг айтишича, билим юртининг 200 кишига мўлжалланган ётоқхонаси ҳам бор экан. Ҳа, айтгандек, мазкур масканда ота-онасиз, боқувчисиз қолганлар, кўп болали оилаларнинг фарзандлари, тутма ногиронлар ўқийди, хўнар ўрганишади. Янги ўқув йилида 308 нафар ўқувчи билим юртига қабул қилинган бўлса, шундан 200 нафари тутма ногирондир. Ўқув даргоҳида болаларнинг таълим-тарбия, хўнар ўрганишлари учун шарт-шароитлар мўайе қилинган. Болалар учун опхонада 3 маҳал овқат қилинади. Овқат нархининг 50 фоизи текин.

Айни кўнрада ўқувчилар ҳам ўқиб, ҳам хўнар ўрганишмоқдалар. 6 та ишлаб чиқариш цехлари фаолият қўрсатмоқда. 100 та тикув машинаси кизлар ихтиёрига бериб қўйилган.

СУРАТЛАРДА: республика хўнар-техника билим юрти ҳаётидан лавҳалар. Матн ва сураатлар муаллифи Муҳаммад АМИН.



Футбол майдонларида

«ЧИНОР» КЎККА БЎЙ ЧЎЗМОҚДА

Ургўлда шов-шув. Кимни учратманг, ҳажжон билан футболдан оғиз очад. Ростини айтиш керак, спорт турлари ичида энг зўр футбол. Дилдан чиқариб бақирасиз, дунени ҳам, ташвишни ҳам унутиб, тўп орқасидан кўз югуртирасиз. Мабодо, ихлос қўйган жамоанинг гол урса борми, чарчовлар қийиб, узингизда ажиб кўч ҳис этасиз. Нихоятда енгил торта-

сиз. Футбол — бу руҳий дару. Ургўликлар ҳам ана шу дарвоға мойил бўлишди.

«Чинор» жамоаси ташкил топганига 3 йил бўлаётди. Бу жамоа шу йил Самарқанд вилоятининг Жомбой миштакасидда 6 жамоа билан тўп сурди. «Чинор»нинг уйинларида бурилиш ясади. «Чинор»ни менсимайроқ майлонда тушаётган жамоалар ҳам у билан ҳисоблашиб-ла мажбур бўлишди.

Булунгур, Жомбой, Тойлок, Са-

марқанд шаҳри жамоалари устидан гоилиб келган Ургўтининг «Чинор»и ярим финалда Каттақўрғон туманининг «Ёшлик» жамоаси билан уйинга тушди. Жамоанинг бошлиғи, Ургўт туман «Пахтакор» кўнчили спорт жамияти раиси Ҳамдам ака, жамоа мураббийси Шавкат Ноимов, спорт ишлари бўйича туман ҳокими-нинг уринбосари Ғўлом Бурхон-новлар бўлажак уйинга жиддий тайёргарлик қўрдилар. Натияжада Ваҳоб Сатторов, Ҳикмат Раҳи-

мов каби хўжумчилар тўп сураётган «Чинор» жамоаси «Ёшлик»ни 6:1 га ютди.

Энди Самарқанд шаҳридаги «Темирйўлчилар» уйингоҳида 30 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси миллий чемпионатидаги 1-лигасида уйнаш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида Ургўтининг «Чинор» ва Каттақўрғон шаҳрининг «Дустлик» жамоалари беллашдилар.

Тўлқин ИБРОҲИМ угли,
«Туркистон» муҳбири.

Унитиласанг ўтмиш...

Сарғайган зарвараклар. Ҳали биз англаб етмаган ҳақиқат. Ёмгирдек ҳаёли савалаётган сонсиз саволлар. Буларнинг барча-барчаси бугунги кунда бўй кўрсатмоқда. Мустақиллик, Озодлик, Шаҳс тушуналари ақлимизнинг тебранамаган пардаларини чертмоқда. Биз эса афсуски, истисночиларга қарши матонат билан курашган ватандошларимизнинг қўпчилигини яхши билмаймиз. Ана шулардан бири Амир Музаффарнинг тўнғич ўғли Сайид Мир Абдулмалиқдир.

Самарқанд қўлдан кетгандан кейин амирнинг таълим-чилик сийасига қарши кучлар уюша бошлади. Бундай кучлар тепасида амирнинг катта ўғли Абдулмалик (1848-1909) турди. Уни Катта тура ҳам дейишган. Зеро, у амирнинг ун турт эътиборли уғиллари ичида тўнғичи эди. 1860 йилда отаси ҳокимият тепасига келгач, Абдулмалик Кармана вилоятига ҳоким этиб тайинланган. Мангитлар сулоласи даврида валихўдлар, яъни амир урнини босадиганлар Карманада ҳокимлик қилганлар. 1864 йилда Абдулмалик кичикроқ Хўзор вилоятига ҳоким этиб тайинланди. Унинг урнига Абдулҳал Кармана ҳокими бўлди.

Муаррих Мирзо Салимбек

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

(1848-1930) шундай ёзди: «Бир неча ношукрлар калта ўйловлик қилиб. Катта турани йўлдан урилди. Уни отасига қарши қилиб қўйдилар. Шаҳрисабз ва Китобнинг кенгаас қабиласи бошлиқлари бу қўлай фурсатдан фойдаланиб, унга хонлик тахтини ваъда қилдилар. Абдулмаликни Шаҳрисабзга олиб келиб, Амир Темурнинг

Оқсаройда тож кийган

Оқсаройда уни подшоҳ, деб эълон қилдилар. Мамлакатнинг турли бурчакларидан исенкорлар келиб, унинг атрофига туланишди».

Самарқанд урислар томонидан босиб олинган, Абдулмалик ҳар бир қабила бошлиғига хат йўллаб, уларни газотга чақирди. Амир амалдорларидан Хўдоер тўқсобе, Абдул-ла тўқсобе ва Иброҳим тўқсобалар унга қўшилдилар.

Муаррих валиор Отаҳийнинг эътиҳоти, Абдулмалик тақлифига биноан барча қабила ва уруғ оқсоқоллари Ҳисор ва Шерободда яшовчи қўнгиротлар, Қарши вилояти ўзбеклари Хўзорда туланишди. Ҳисор, Шеробод, Дехнав, Қўлоб ҳокимлари ҳам келишди. Қўзғолончиларни Шаҳрисабз ҳо-

Оқсаройда тож кийган

ким Ҳакимий очамайди ва Китоб ҳокими Журабек тароҳли бошчилигидаги кенгааслар кутаринки руҳда қабул қилдилар. Йигинда Абдулмалик отасининг самарқандлик фозилларни қиргин қилгани ва таълимчилик йўлига тушиб олганидан шикоят қилади. Йигиланлар охириги томчи қонлари қолгунча озодлик учун кураш-

Оқсаройда тож кийган

маликка қарши прокламация тарқатди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди: «Бухоро ҳукмдори бўлиш мақсадида Абдулмалик тангрини ва узининг буюк пайгамбарини ҳам унутди. Сотқинларча ўз отаси ва буюк амирга қарши қўл кутариб келмоқда». (Абрамов прокламацияси 1868 йил 6 октябрда тарқатилган. 1896 йилда мат-

Оқсаройда тож кийган

га қасамед қиладилар. Абдулмалик катта қўшин билан Қарши, Шаҳрисабзга кўлга киритди. Амир Музаффарнинг унга қарши юборилган қўшинларини Жом қишлоғи яқинида тор-мор келтирди. Сунгра қозоқ халқининг севимли фарзанди Кенесари Қосимовнинг ўғли Солиқ турани Кармана вилоятида хон деб эълон қилди. Чироқчи ҳам қўзғолончилар қўлига ўтди. Бу хўрога юришга ҳозирлик қўра бошладилар. Лекин Амир Музаффар қўзғолон иштирокчиларидан Муминбек тўқсобега муваффақ бўлди. Генерал-губернатор Кауфманга ердан сураб мурожаат этди. Зарафшон ҳарбий округи губернатори генерал Абрамов Абду-

Оқсаройда тож кийган

буотда эълон қилинди). 1868 йилнинг октябрида Қарши, Китоб, Шаҳрисабзга бир неча урис қўшинлари жунатилди. 21 октябрь кунини ясовул Принц бошчилигидаги казаклар тўдаси Абдулмалик кучларига зарба берди. Казаклар қўзғолончиларга қозоқ қабилалари томонидан жунатилган қўрол-яроғ қарвонини (10 тўддан иборат) қўлга туширдилар. 23 октябрь кунини капитан Гребенкин бошчилигидаги урис қўшинлари Қарши яқинида қўзғолончиларга ҳал қилувчи зарба берди.

Шундан кейин Катта турага тавба қилиб, урислар қўлига ўзини топширишди, шундагина унинг ҳаёти сақланаётганини билдирилди.

